

№ СРЮ-2444/АТ-VDS - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “12” 04

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2020 йил “30” декабрдаги 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари А.Е. Хон (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси» номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор А.Х. Мухитдинов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Телекоммуникация хизматлари учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **10 (ўн) календар куни** мобайнида амалга оширилади.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий миқдори 901 999 656,00 (Тўққиз юз бир миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз эллик олти) сўмни ташкил этади. Ундан 150 333 276,00 (Бир юз эллик миллион уч юз ўттиз уч минг икки юз етмиш олти) сўм миқдориди ойлик абонент тўлови.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма қонунчиликда белгиланган тартибда Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.5.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.6. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.7. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.7.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангиринган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.8. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Коррупцияга қарши шартлар

7.1. Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилиланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашуш хатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

7.2. Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмасликни таъминлаш мажбуриятини олади:

рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва х.) таъминлаш мақсадида бошқа Тараф ишчиларига, пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва х.;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга ҳилоф ва ғайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

7.3. Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф, Шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8. Яқуний қоидалар

8.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

8.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

8.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

8.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

8.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

8.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

9. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:
АК «Ўзбектелеком»

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали
Манзил: Тошкент, А. Темур кўчаси, 97 А.

Тел: (99) 836-7600

Электрон почта: b2b@uztelecom.uz

Банк маълумотлари:

ҳисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088

АТБ Алоқабанк

МФО: 00401

СТИР: 203366731

КТУТ: 61100

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

ҚҚС 326 030 013 817

Директор ўринбосари:

АБОНЕНТ:

«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш
маркази» давлат муассасаси

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус
кўчаси, 22, 22а ва 24-уй

Банк маълумотлари:

х/р:20210000905250707001

СТИР: 207 322 159

МФО: 00401

Банк номи: АТ Алоқабанк Амалиёт ҲҚХҚМ

Тел: +(998) 55 501 36 06

Абонент номидан:



А.Е. Хон



А.Х. Мухитдинов

Техник қўлаб-қувватлаш: 1155

Ижрочи: Тагаева А.

Тел.: (+998 99) 700-0710

Электрон почта: a.tagaeva@uztelecom.uz

4-бет. № СРЮ-2444/АТ-VDS – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Handwritten signature

Handwritten signature
13.04.2022.

Хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|-----|--|------------------------------|---------|--|
| 1 | 2 | 3 | | 6 |
| | I. Бир марталик тўловлар | | | |
| | II. Ҳар ойлик абонент тўловлари | | | |
| 2.1 | Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) (10K) | 450,00 | 32 768 | 14 745 600,00 |
| 2.2 | Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) (SSD) | 1 650,00 | 81 920 | 135 168 000,00 |
| 2.3 | Идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини тармоғига (шаҳар) тезликда уланиш учун Абонент тўлови – 10 Mbit/s | 104 838,00 | 2 | 209 676,00 |
| 2.4 | VPN тармоғига (шаҳар) тезликда 20 Мбит/с уланиш учун Абонент тўлови | 210 000,00 | 1 | 210 000,00 |
| 2.5 | Интернетга уланиш тезлиги - 10 Mbit/s гача ва ТАС-IX, UZ-IX тарўқларига уланиш тезлиги - 100 Mbit/s гача | - | - | Тариф режасига киритилган |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | 150 333 276,00 |

Жами олдиндан тўлов миқдори 150 333 276,00 (Бир юз эллик миллион уч юз ўттиз уч минг икки юз етмиш олти) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 901 999 656,00 (Тўққиз юз бир миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз эллик олти) сўмни ташкил этади. Ундан 150 333 276,00 (Бир юз эллик миллион уч юз ўттиз уч минг икки юз етмиш олти) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.

"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари

Абонент номидан:
«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш
маркази» давлат муассасаси



А.Е. Хон



А.Х. Мухитдинов

"12" 04 2022 йилдаги № СРЮ-2444/АТ-VDS -сонли абонент шартномаси

Далолатнома

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди

" " 2022 йилдаги № СРЮ-2444/АТ-VDS

| № | Хизматлар рўйхати | Сана | Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси |
|----|---|---------------------|--|
| 1. | Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) - (10К) Уланиш нуқталари сони – 32 768 | « » _____ 2022 йил. | Бажарилди |
| 2. | Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) – SSD Уланиш нуқталари сони – 81 920 | « » _____ 2022 йил. | Бажарилди |
| 3. | Идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини тармоғига (шаҳар) тезликда уланиш - 10 Mbit/s Уланиш нуқталари сони -2 | « » _____ 2022 йил. | Бажарилди |
| 4. | VPN тармоғига (шаҳар) тезликда 20 Мбит/с уланиш учун Абонент тўлови Уланиш нуқталари сони - 1 | « » _____ 2022 йил. | Бажарилди |
| 5. | Интернетга уланиш тезлиги - 10 Mbit/s гача ва ТАС-IX, UZ-IX тарўқларига уланиш тезлиги - 100 Mbit/s гача Уланиш нуқталари сони - 1 | « » _____ 2022 йил. | Бажарилди |

"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари

Абонент номидан:
«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси



А.Е. Хон

ИМЗО/
М.ў.

А.Х. Мухитдинов

ИМЗО/
М.ў.

